Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2021 йил
30 сентябрь
пайшанба
№ 123-124
(4564)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz




## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

**Муҳтарам устоз ва мураббийлар!**

**Қадрли фахрийлар!**

Аввало, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасининг барча жонкуяр ходимларини умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда сиз, заҳматкаш устозларга кўнглимизда, юрагимизда бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларни сўз билан тўлиқ ифода этиш қийин, албатта. Чунки сизлар дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиш, уни халқимизга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга безавол етказиш йўлида чинакам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган улуғ инсонларсиз. **Бу улкан бойлик – ақл-заковат ва илм, бу ўлмас мерос – яхши тарбиядир.** Шу боис бугун сизларнинг шаънингизга билдираётган олижаноб истакларимиз, таъзим ва ташаккурларимизни бутун эл-юртимизнинг чексиз ҳурмат ва эҳтироми рамзи сифатида қабул этгайсиз.

**Азиз юртдошлар!**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, оилада фарзанд туғилганидан бошлаб камолот ёшига етгунга қадар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилмоқда.

Биз бу жараёнда инсон капиталига эътиборни янада кучайтириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш борасида муҳим дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, беш йил олдин юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 19 минг 316 тага, тизимдаги қамров 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етди.

Мамлакатимизда янги турдаги ва янги сифат босқичидаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунга келиб математика йўналишида 112 та, физика йўналишида 14 та, кимё-биология бўйича 87 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослашган мактаблар фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Олий таълим соҳасида ҳам жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Охирги беш йилда чет эллардаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 67 та янги университет ва институтлар ҳамда филиаллари барпо этилиб, уларнинг умумий сони 144 тага етказилгани, қамров даражаси 3 карра ортиб, 9 фоиздан 28 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради.

Жорий ўқув йилида энг замонавий талаб ва стандартлар асосида ташкил этилган Янги Ўзбекистон университети дастлабки талабаларни ўз бағрига қабул қилди.

Бундай янгиланиш жараёнларида устоз-мураббийларимизнинг ишга, ҳаётга муносабати ва масъулияти тубдан ўзгариб, уларнинг доимий изланиб, янгиликка интилиб яшаётгани, илғор таълим технологиялари ва методикаларини пухта ўзлаштириб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

**Муҳтарам ватандошлар!**

Бугунги шиддатли замон олдимизга қандай мураккаб вазифаларни қўяётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Уларни ҳал этиш ва эзгу мақсадларимизга етиш, дунё миқёсида рақобатбардош бўлиш учун халқимизни, авваламбор, ёшларимизни илм-фан, маърифат ва маънавият, тараққиёт ютуқлари билан қуроллантиришимиз керак.

Айни шу мақсадда таълим мазмунини тўлиқ янгилаш учун мамлакатимиз олимлари, тажрибали педагоглар ва хорижий экспертларни кенг жалб қилган ҳолда, Миллий ўқув дастури яратилиб, босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилмоқда.

Замонавий дарсликларни яратиш бўйича дастлабки натижаларга эришилиб, жорий йилда илк бор бир миллиондан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларимиз янги дарсликлар бўйича таълим олмоқда.

Бугунги кунда олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, олийгоҳларимизни таълим ва илм-фаннинг йирик марказларига айлантириш бўйича бошлаган катта ишларимизни жадал давом эттиришимиз лозим.

Таълим соҳасининг яна бир муҳим вазифаси – фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, Ватан ва халқ манфаатларини қатъий ҳимоя қила оладиган, замонавий, кенг фикрлайдиган ёшлар авлодини шакллантиришдан иборат. Шу сабабли **Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари концепцияси**ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш объектив заруратга айланмоқда, деб ўйлайман.

**Ҳурматли устоз ва мураббийлар!**

Жамиятимизда боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-ижодий зиёлиларни бугун биз интилаётган **Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устуни деб эътироф этмоқдамиз.** Шундан келиб чиқиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини ошириш, хусусан, муаллим ва устозларнинг қадри, шаъни ва ғурурини тиклаш, машаққатли ва шарафли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича бошлаган ишларимизни албатта янги поғонага кўтарамиз.

Сиз, азизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, эзгу фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, муҳтарам устозлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

2-саҳифада ўқинг...




8-саҳифада ўқинг...

*Самарқанд вилояти*

Ўзимизга назар

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Нобоб иш анжоми ёки дастгоҳ турли кўнгилсизликлар ва фожиаларга сабаб бўлиши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам тасодифларнинг олдини олишга доир тизим бор. Ишлаб чиқариш корхоналарининг ходимларга қулай меҳнат шароитлари яратиши қатъий назоратга олинган. Бу борада иш ўрни ва жиҳозларини аттестациядан ўтказиш тартиби ҳам мавжуд.**



## МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ БЎЙИЧА ЛАБОРАТОРИЯ ЗАРУР

Барча восита, тадбирларга қарамасдан фаолиятда жароҳатланиш ҳолатлари барҳам топмаяпти. Аксарият ҳолларда иш шароитларини аттестациядан ўтказишга панжа орасидан қараш оқибати кўнгилсиз якун топмоқда. Бу юмуш билан шуғулланиш ҳуқуқи эса мамлакатимиздаги саноқли идораларгагина берилган. Айнан шу жиҳат иш берувчиларнинг турли важ ва баҳоналарига асос бўлиб қоляпти.

Меҳнат қилиш учун муносиб шароитлар яратиб бериш ҳаракатида бўлаётган касаба уюшмалари қошида меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш ҳуқуқини берадиган лаборатория ташкил этиш энг долзарб масала, деб ўйлайман.

Агар жамоат ташкилотига бевосита бу вазифа билан ҳам шуғулланиш ҳуқуқи берилса, фойдадан холи бўлмайди. Энг аввало, корхона ва ташкилотларда (мақомидан қатъи назар) ноқулай ва зарарли иш жойларида фаолият юритаётган ходимларнинг меҳнат хавфсизлиги кафилланади, имтиёзлар белгиланишининг сифат даражаси юксалади. Яъни қисқартирилган иш соатлари, қўшимча таътиллар, имтиёзли пенсияга чиқиш имкони ошади. Қолаверса, меҳнат ҳуқуқлари поймол бўлишининг ва норасмий бандликнинг сезиларли даражада олди олинади.

**Орифжон МИЗОМОВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассиси

## Касаба уюшмалари фаолияти РАҚАМЛАРДА

### Устозлар касаба уюшмалари эъзозида

Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2020 йил 14 декабрдаги «Халқ таълими тизимидаги муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларни санаторийларда соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида шу кунга қадар касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан

**4255 НАФАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ ТИЗИМДАГИ САНАТОРИЙЛАРДА БЕПУЛ СОҒЛОМЛАШТИРИЛДИ.**

Шунингдек, жорий йил бошидан шу даврга қадар касаба уюшмалари томонидан

**1500 НАФАРДАН ЗИЁД ТИЗИМ ХОДИМЛАРИ ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ.**





Таҳлил

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг муҳим асослари шакллантирилди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига, «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Шунингдек, унинг ҳуқуқий асослари яратилиб, вазирлик олдида турган устувор вазифалар белгилаб берилди. Ўтган давр мобайнида вазирлик ўз олдига қўйган муҳим вазифаларга босқичма-босқич эришиб келмоқда.**

# Мактабгача таълим: ИМКОНИЯТДАН МАСЪУЛИЯТГАЧА...



**Баҳодиржон ОНОРБОЕВ,**
Мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари

Маълумки, мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғини бўлиб, боланинг соғлом ва ривожланган эркин шахсиятини шакллантириш, қобилиятларини очиб бериш ҳамда билим олишга интилишни ривожлантириш каби мақсадлар йўлида иш олиб боради. Вазирлик фаолияти йўлга қўйилгандан сўнг тизимни самарали ташкил этиш мақсадида 76 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди. Булар жумласига учта қонун, иккита Президент фармони, ўн олтита Президент қарори, 34 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 5 та Вазирлар Маҳкамаси фармойиши, 9 та идоравий ва 7 та бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат киради.

Халқни рози қилиш ҳамда уларнинг хоҳиш-истакларини амалга оширишда катта қадамлар ташланди. Хусусан, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, боланинг интеллектуал шахсини шакллантириш, таълим хизматларини яратиш орқали сифат даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани соҳадаги изчил ислоҳотлар натижасидир.

Мамлакатимизда 3-7 ёшдаги болаларни мактаб-




гача таълим ташкилотларига қамраб олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017 йилда 708247 нафар (27,7%), 2018 йил 932310 нафар (37,7%), 2019 йил 1413290 нафар (52,3%), 2020 йилда 1699566 нафар (60,9%), 2021 йил июнь ойи ҳолатига эса 1760808 нафар (62,4%) бола мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2030 йилга келиб мактабгача таълимга болаларнинг 80,8 фоизини қамраб олиш режалаштирилган. Шу ўринда бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида мактабгача таълим ташкилотлари сони ўсаётганини қайд этиш жоиз. 2017 йилда республика миқёсида 5 211 та мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 18 254 тага етган. 2021 йилда 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълимга 65 фоиз қамраб олиш белгилаб олинган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга кенг кўламли ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2025 йилда 6 ёшдаги болаларни 100 фоиз мактабгача мажбурий тайёргарлик гуруҳларига қамраб олиш режалаштирилган.

Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Мактабгача таълим вазирлиги 2018-2019 ўқув йилида болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлашни жорий этиш бўйича дастлабки лойиҳани муваффақиятли амалга оширди. Айниқса, дастлабки лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона вилояти ҳамда Тошкент шаҳридаги туман ва шаҳарларда ташкил этилган 494 та гуруҳда 11103 нафар бола бир йиллик мажбурий тайёргарликдан ўтказилгани амалий саъй-ҳаракатларнинг ижобий маҳсулидир.



Бугунги кунда вазирлик мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш, ўқув жараёнида инновацион педагогик технологияларни қўллаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, уларни ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш ҳамда педагог ходимларнинг малакасини ошириш бўйича муҳим вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, соҳада хизматлар кўрсатишда мослашувчанликни таъминлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда мактабгача таълимнинг турли хил муқобил шакллари жорий этилмокда.

Соҳадаги муҳим ўзгаришлардан яна бири шуки, давлат-хусусий шериклик доирасида оилавий боғчалар шаклида ўқитишнинг муқобил модели амалга оширилди. Бутун республика бўйлаб мактабгача таълим ташкилотларига қисқа муддатли, яъни тўлиқ кунли бўлмаган гуруҳлар каби таълимнинг муқобил шакли ҳам қўлланилмоқда.

Мактабгача таълим вазирлиги томонидан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилмоқда. Бу эса, болажонларни жаҳон стандартларига мос таълим жараёнлари асосида қамраб олиб, уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. 2017 йилдан буён чет эллик ҳамкорлар билан Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга оид 60 дан ортиқ ўзаро англашув меморандумлари ва доиравий битимлар имзоланди. Вазирлик соҳани ривожлантиришда Жанубий Корея, Хитой, Россия, Япония, Сингапур, Туркия, Польша каби мамлакатлар, шунингдек, Жаҳон банки гуруҳи, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, KOICA, JICA, TIKA, ЕХҲТ, Саудия тараққиёт жамғармаси, «Россотрудничество» каби халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини жорий этиш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, 2020 йилда БМТнинг ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси билан биргаликда мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини синовдан ўтказиш режалаштирилган. Хусусан, Наманган вилоятининг Косон, Тўрақўрғон, Чуст, Норин туманлари ва Хоразм вилоятининг Боғот ва Қўшкўпир туманларида турли ёшдаги мактабгача таълим гуруҳларининг ўйин гуруҳлари синовдан ўтказилиши истиқболли режага киритилган. Жаҳон банки билан ҳамкорликда 2020 йилдан бошлаб амалга оширилаётган «Болаларнинг эрта ривожланишини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида мактабгача таълимнинг турли муқобил шакллари, жумладан, «уйга ташриф» таълимига эҳтиёжи бўлган болалар учун «эрта ривожлантириш марказлари» синовдан ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Мобил гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига асосан республиканинг барча ҳудудларида қайта жиҳозланган «ISUZU» автобуслари негизида «Ақлвой» номли мобил мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Дастлабки лойиҳа сифатида «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти кўмагида 16 та автобус махсус жиҳозланди. Бундан ташқари, хавфсизликни таъминлаш ва мобил гуруҳлар тарбияланувчилари учун шароитлар яратиш мақсадида барча зарур жиҳозлар ва дидактик материаллар билан жиҳозланган 44 та ўйин майдончаси қурилди. Шуниси қувонарлики, лойиҳа бўйича аввал мактабгача таълим билан қамраб олинмаган ва асосан республиканинг чекка ҳудудларида яшовчи 1556 нафар бола қамраб олинган.

«Ақлвой» мобил болалар боғчалари лойиҳасида ҳар бир болага битта жой ташкил этиш учун тахминан 7,7 миллион сўм маблағ сарфлаган. Машғулотларни бир неча сменада ташкил этиш учун ҳар бир автобус камида 3 та маҳаллада ҳаракатлана олади. Шу ўринда одатдаги давлат мактабгача таълим ташкилотини қуриш, уни жиҳозлаш ишлари билан биргаликда сарф қилинадиган харажатлар ҳар бир болага нисбатан 44 миллион сўмни ташкил этишини таъкидлаб ўтиш керак. Яъни «Ақлвой» мобил болалар боғчалари харажатлар борасида ҳам бир неча баробар тежамлидир. Ҳозир республиканинг чекка ҳудудларида қайта жиҳозланган «ISUZU» автобуслари негизида мобил мактабгача таълим ташкилотларини жорий этишни давом эттириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, 2021 йилнинг ўзида чекка ҳудудларда 49 та «ISUZU» русумли автобус фойдаланишга топширилиб, 98 та янги майдон қурилди.

Соҳага замонавий кадрларни тайёрлаш асосий эътибордаги масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда юртимиздаги педагогика йўналишидаги барча ОТМда тарбиячи мутахассислар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида Жанубий Корея билан ҳамкорликда ташкил этилган Пучон университети ҳам 2018 йилдан бошлаб мактабгача таълимга кундузги ва кечки йўналишларда кадрлар тайёрламоқда. Ўқув жараёни Корея Республикасининг Пучон университети профессорлари ҳамда Ўзбекистондаги етакчи педагоглар томонидан олиб борилмоқда. Бу йил мазкур университет илк бор ўз битирувчиларини катта ҳаётга кузатиб, тизимга 400 нафарга яқин замонавий педагогик билимлар олган ва ўз ишида янгилик қилиш иштиёқи билан яшаётган кадрларни қўшди.

2018 йилгача тарбиячининг ойлиги сезиларли даражада кам бўлиб, бу маошга оила тебратиш амримаҳол эди. Шунинг учун ҳам ёшлар орасида тарбиячиликка қизиқиш кам эди. Аммо 2018 йилнинг 1 мартидан бошлаб тарбиячиларнинг ойлик иш ҳақи 30 фоизга оширилди. Жумладан, 3-5 ёшли болалар гуруҳларида ишловчи олий малака тоифасига эга тарбиячининг ойлик иш ҳақи 1960225 сўм, тайёрлов гуруҳи тарбиячисиники эса 2536008 сўмни ташкил этмоқда. Шунингдек, давлат боғчаларида йиллик иш ҳақи жамғармасининг 15 фоизи миқдорда ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳисобидан ўрнак ва ташаббус кўрсатган ходимларга, жумладан, тарбиячиларга ҳам ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда устамалар



тўланиши натижасида олий маълумотли тарбиячи – 2741279 сўм, олий тоифали тарбиячи эса 3804012 сўм маош олмоқда.

Тизимда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» кўрик-танловининг мазмун-моҳияти қайтадан кўриб чиқилиб, у педагогларга ҳақиқий рағбат берувчи танловга айлантирилди. Илгари танловнинг республика босқичида ҳар бир вилоятдан бир нафардан тарбиячи иштирок этиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган бўлса, эндиликда мазкур мусобақа 5 та йўналишда ўтказилиб, республика босқичида 13 нафар эмас, 70 нафар тарбиячи қатнашмоқда. Бунда иштирокчилар нафақат янги тажрибалар орттиради, балки меҳнати ва интилишига яраша пул мукофотлари, қимматбаҳо совринлар билан тақдирланади. Агар тарбиячи ўрта-махсус маълумотли бўлса, унга мактабгача таълим йўналишида олий маълумот олиш учун имтиёз ҳам берилади. Бу юртимиздаги минглаб тарбиячиларни ўз устида кўпроқ ишлашга ундаши шубҳасиз.

Таълим-тарбия сифати гуруҳлардаги болалар сони билан боғлиқ, албатта. 2015 йилларда Тошкент шаҳридаги айрим боғчалардаги гуруҳларда 40-45 нафаргача тарбияланувчи бўлар эди. Бу тарбиячилар учун қийинчилик туғдириб, машғулотлар мазмунига, болажонларнинг сифатли таълим-тарбия олишига ҳам салбий таъсир қиларди. Ўзингиз ўйланг, диққатини жамлаш хусусияти эндигина ривожланаётган 40-45 нафар болани хонада бир соат ушлаб туриш қанчалик машаққат. Тарбиячилар ана шундай шароитда меҳнат қилишарди. Табиийки, бунда таълим сифати ҳам шунга яраша бўлиб, тарбиячилардан тўла-тўкис дастур асосидаги вазифаларни ҳам талаб қилолмасдик. Чунки тарбиячига ишлаши учун етарли шароит яратиб берилмаганди. Аммо вазирлик ташкил этилгач, боғчаларга онлайн навбатга туриш тизимининг жорий этилиши билан нафақат гуруҳдаги болалар сони меъёрлашди, балки болаларни боғчага жойлаштиришда учраган таниш-билишчилик ва коррупцион ҳолатлар ҳам камайди. Эндиликда қайси боғчага борманг, гуруҳда болалар 30 нафардан ошиқ эмас. Бу тарбиячиларга ҳам, кичкинтойларга ҳам қулай ва фойдали бўлмоқда.

Эндиликда олдимизда турган муҳим ишлардан бири бу – овқатланишни ташкил этиш жараёнида учраётган айрим коррупцион ҳолатларга барҳам бериш, юртимиздаги барча мактабгача таълим ташкилотларининг омборхона, ошхона ва машғулот хоналарига видеокамералар ўрнатишдир. Бугунги кунга келиб, аксарият боғчаларимизда ушбу замонавий мосаламалар ўрнатилишига эришилди. Аммо ҳали ҳам тизимда масъулиятсиз мудиралар, раҳбарлар учраб турибди. Келгусида ҳам болажонларнинг ризқига хиёнат қилаётган, соҳада «адашиб юрган» ходимларга қарши муросасизлик билан курашамиз.

Буюк мутафаккир Абдулла Авлоний бежизга болани идишда турган сувга қиёсламаган. Сув қайси ранг ва қандай ҳажмдаги идишда турганига қараб, ўша тусда товланади.

Болаларга эътибор қанча кучли бўлса, келажак пойдевори шунча мустаҳкам бўлади. Мактабгача таълим тизимида таълим-тарбия олаётган болажонлар – бизнинг келажагимиз. Биз уларнинг мурғак қалбларидаги бир олам гўзал орзуларига қанот бўлишимиз лозим. Истиқлол эгаларини рағбатлантириш, улар билан «болалар тили»да сўзлашиш, дунё мўъжизалари эшикларини очиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

2021 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА
№ 123-124 (4564)



*Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ



# Тинчлик-хотиржамлик ва тараққиётнинг муҳим омиллари



**Гуландом СУБҲОНОВА,**
*Республика тожик миллий маданий маркази раиси, фалсафа фанлари номзоди*

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП!

Ҳар қандай давлатнинг изчил равнақ топиши, келажаги порлоқ бўлиши кўп жиҳатдан унда яшаётган аҳолининг аҳил-иноқлиги ва бирдамлигига боғлиқ. Чунки баҳамжиҳатлик ва тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон жойда ривожланиш ва юксалиш рўй беради, одамлар бахтли ҳаёт кечиради. Шу боис юртимизда миллатлараро ва элатлараро дўстлик-биродарликни мустаҳкамлаш азал-азалдан энг муҳим вазифа ҳисобланади. Асрлар синовидан ўтган бу хайрли анъана Истиқлол йилларида ҳам узлуксиз давом эттирилди ва уни янги босқичга кўтариш чоралари кўрилди. Аввало, жамиятда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантиришга, ўзаро ҳурмат ва тенгликнинг, ҳамжиҳатлик ва тотувликнинг ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлашга жиддий аҳамият берилди. Айни мақсадда Конституциямизда Ўзбекистон давлати ўз ҳудудида яшовчи жамики халқларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналари эъзозланишини таъминлаши, улар ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиши кафолатланди.

1992 йили эса Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Унинг зиммасига мамлакатимизда халқаро муносабатларни, турли миллату элатлар вакилларининг тотувлиги ва ҳамкорлигини таъминлашда, барчасининг ўзига хос маданияти ва маънавий қадриятлари тараққий этишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давлат органлари ва жамоат ташкилотларига кўмаклашишдек масъулиятли вазифалар юклатилди. Мустақил муассаса мақомидаги бу ташкилот ишончни тўлиқ оқлади. Ўтган давр мобайнида сони бирин-сирин кўпайиб 150 тага етган миллий маданий марказларга ҳамда 38 та дўстлик жамиятига ҳам амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб келди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги 5046-сонли фармонига биноан, мазкур тузилмалар негизида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси тузилди. У миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини мувофиқлаштириш, манфаатларини ҳимоялаш, муаммоларини ҳал қилиш ва халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликни барқарорлаштириш ишлари билан шуғулланмоқда.

Мавриди келганда, эслатиб ўтиш жоизки, Президентимиз таклифи билан миллий маданий марказларга Тошкентдаги «Дўстлик боғи»дан жой берилиб, барчаси зарур воситалар билан жиҳозланди. Самарқандда «Дўстлик саройи», Наманган, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида «Дўстлик уйи» бунёд этилди. Фарғона вилоятида офис қуриш учун алоҳида жой ажратилди. Марказларнинг айримлари автобус ва «Дамас» автомобилига эга бўлди.

## ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

Турган гап, айни соҳада бажарилаётган ишлар ҳам пок ниятларга яраша бўлмоқда. Масалан, мамлакат умумтаълим муассасаларидаги сабоқлар ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилмоқда. Баъзи олий ўқув юртларида шу билим даргоҳлари учун ўқитувчилар тайёрланмоқда. Миллий тиллардаги мактаблар дарсликлари давлат маблағи ҳисобидан чоп этилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг кўрсатув ва эшиттиришлари 12 тилда эфирга узатилмоқда.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳар қандай инсон учун у меҳр-мурувват кўрган, қадр-қиммат топган гўша ғоят азиз ва муқаддас саналади. Инчунин, диёримиздаги 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, 16 та диний конфессия аъзолари ўзларига кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликларга жавобан бир ёқадан бош чиқариб, ягона оила аъзоларидек тинч-тотув ҳаёт кечирмоқдалар. «Ўзбекистон – умумий уйимиз!», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда» каби шиорлар остида бирлашиб, тўй-тантаналару айёмларни кенг нишонламоқдалар. Қолаверса, турли жабҳаларда самарали фаолият юритиб, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг сафида Мустақиллик давридаги фидокорона меҳнатлари, давлат ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун Ватанимизнинг юксак мукофотлари, жумладан, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Фидокорона хизматлари учун», «Меҳнат шуҳрати», «Дўстлик» орденлари билан тақдирланганлари ҳам кўп.

## ТАРИХИ ВА ТАҚДИРИ УЙҚАШ ИККИ ХАЛҚМИЗ

Ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 1,5 миллион нафаридан ортиғи Марказий Осиёнинг қадимий халқлари сирасига кирувчи тожиклардан иборат. Бу миллат фарзандлари юртимизда мавжуд 256 та тожик мактабида ўқишади. Баъзилари Термиз, Фарғона, Самарқанд, Бухоро давлат университетлари ва Чирчиқ Давлат педагогика институтининг тожик гуруҳларида таҳсил олишади.

Республика тожик миллий маданий маркази эса 2008 йили ташкил топган. Вилоятларда унинг саккизта маркази, олтита ҳудудий бўлинмаси бор. Яқинда Фарғона вилояти бўлими ҳам очилди.

Табиийки, биз ўз ваколатларимиз доирасида кўплаб илмий-адабий ва маданий-маърифий тадбирлар уюштираяпмиз. Масалан, Фориш тумани ҳокимлиги ва Жиззах вилояти тожик миллий маданий маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида анжуман ташкил қилдик. Унинг дебочасида турли миллат вакилларининг амалий санъати, ҳунармандчилик маҳсулотлари, миллий либослари кўргазмаси очилди. Сўнгра 1941 йили шу туманда туғилган, 25 ёшидан то умрининг охиригача



«Овози тожик» газетасида ишлаган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир, таржимон ва журналист Жонибек Қувноқнинг икки тилда битилган шеър ва ғазалларидан иборат «Ширу шакар» китоби тақдимоти ўтказилди.

Шунингдек, марказимиз буюк шоир ва мутафаккир Абдураҳмон Жомий таваллудига бағишланган «Жомий ва Навоий: форс-тожик ва ўзбек илмий-адабий алоқалари» номли илмий конференция ташкиллаштирди. Унда талабалар иккала шоир ғазаллари ва рубоийларидан намуналар ўқидилар. Навоийшунос ва жомийшунос олимлар эса илмий фикр-мулоҳазаларини даврадагилар билан ўртоқлашдилар. Уларнинг маърузалари кейинчалик тўплам сифатида нашрдан чиқарилиб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Хонаат бо дўст обод», «Қасидаи инсон» китоблари тақдимотига бағишланган тадбирларимиз ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Ишончимиз комилки, Паҳлавон Маҳмуднинг тожик ва ўзбек тилларидаги «Саду ҳафт рубои» – «Bir yuz yetti ruboiy» жамланмаси, XIX асрнинг машҳур зуллисонайн шоири ва диний арбоби Мирзо Масеҳо Бойсунийнинг «Раъно ва Зебо» достони, файласуф ва диншунос олим Жаъфар Холмўминовнинг «Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий» рисоласи ҳам адабиёт мухлислари учун ажойиб туҳфа бўлди.

## ЯХШИЛИКНИНГ ШАРОФАТИ – ЭЛ-УЛУСНИНГ БАХТ-САОДАТИ!

Маълумки, айни дамларда ҳамманинг диққат-эътибори 24 октябрда бўладиган Президент сайловига қаратилган. Биз бу сиёсий тадбир халқаро демократик тамойиллар асосида ва юқори савияда ўтишига ишонамиз. Шунингдек, диёримизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, Президентимиз бот-бот уқтирганидек, одамларни рози қилиш, фуқароларимиз эртага эмас, бугун яхши яшашлари учун йўналтирилганини теран тушунамиз. Амалда, ҳақиқатан ҳам, шундай бўлаётганини жуда яхши биламиз.

Ҳеч кимга сир эмас, яқин ўтмишда Ўзбекистоннинг минтақадаги бошқа давлатлар сингари Тожикистон билан иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий алоқаларига ҳам жиддий путур етди. Чегарадан ўтишга чекловлар кескин кучайтирилиб, йўллар ёпилгани, энг даҳшатлиси, чегараолди ҳудудлар миналаштирилгани туфайли ўзаро борди-келдилар ниҳоятда мураккаблашди. Бу, айниқса, ота-онаси, ака-укалари ва қариндош-уруғлари қўшни мамлакатда яшаётганларни ўта мушкул аҳволга солиб қўйди. Чунки улар бир неча йиллар мобайнида ўша яқинлари билан дийдорлашиш, тўй-томошаларига бориш, жилла қурса, бандаликни бажо келтирган жигаргўшалари маъракаларида қатнашиш имконидан мосуво бўлдилар. Мана, бир мисол.

Улашбой Гулмуродов *(тахаллуси Пайванди Гулмурод)* Фориш туманида таваллуд топди. Ўша ердаги мактабни битиргач, Тожикистон Давлат университетининг филология ва журналистика факультетига ўқишга кирди. Кейинчалик аспирантурада таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини ёқлади. Узоқ йиллар кафедра мудири, декан сифатида ишлаб, ўнлаб шогирдлар етиштирди. Вақти-соати етгач, Душанбе шаҳрида омонатини топширди.

Начора, ўлим ҳақ! Ҳеч бир банда тақдири азал битигидан қочиб қутулолмайди. Аммо кўпчиликнинг кўнглини қаттиқ ўкситган жиҳати – устозга жон бериши олдидан ўз дилбандлари, ҳамқишлоқлари ва бошқа қадрдонлари билан видолашиш насиб этмади. Боз устига, яқинлари ҳам Тожикистонга бориб, уни сўнгги манзилга кузата олишмади. Домланинг вафоти муносабати билан Ухум қишлоғидаги киндик қони томган ҳовлида аза очишдан, таъзияга келганлар ҳамдардлигини шу ерда қабул қилишдан ўзга илож топишолмади.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, икки мамлакатнинг сув, энергетика, йўл ва виза билан боғлиқ можаролари ҳам бамисоли жавоби йўқ жумбоққа айланганди. Ўзбекистонда 15-20 йил, чорак аср ва ундан ортиқ яшаб ва ишлаб, шу юрт фуқаролигини ололмаганларнинг дард-ҳасратлари эса ўз-ўзидан тушунарли эди...

Яратганга беадад шукурларки, Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунлариданоқ бу муаммоларга алоҳида эътибор бериб, «Биз қўшни мамлакатлар билан рақобат эмас, ҳамкорлик қилишни ва яқин муносабатда бўлишни хоҳлаймиз», деган оқилона сиёсатни илгари сурди. Аввало, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстликни тиклашга киришди. Шу ниятда 2018 йил 9 мартда Душанбе шаҳрига ташриф буюрди. Натижаси чакки бўлмади. Дарҳол чегара постлари очилиб, одамлар ўта бошлади, мамлакатларимиз ўртасида автобуслар ва самолётлар қатнови қайта тикланди. Виза тизими бекор қилиниб, иқтисодий ва маданий-маърифий алоқалар такроран йўлга қўйилди. Бу ўзгаришлардан миллионлаб одамлар астойдил қувонди, президентларимизга чин дилдан раҳматлар айтиб, дуога қўл очди. Ўша кезлар иккала халқимиз нақадар шодлангани акс этган кўрсатувларни жумлаи жаҳон катта ҳаяжон билан томоша қилди.

Бинобарин, айнан Шавкат Мирзиёевнинг эзгу саъй-ҳаракатлари шарофати билан қайғули кунлар эндиликда ортда қолди. Бу янглиғ нохушликлар барҳам топгани у кишининг шу йил 10-12 июнь кунлари Тожикистонга расмий ташрифи жараёнида яна бир бор исботланди. Самимий мулоқотлар чоғи Шавкат Мирзиёев «Биз муштарак тарих ва маданият, дин, маънавий қадриятлар ва анъаналар билан чамбарчас боғланган кўп асрлик дўстлигимизни жуда қадрлаймиз», деди. Эмомали Раҳмон эса, Президентимизнинг бу борадаги улкан хизматларини юқори баҳолаб, у кишини ўзбек ва тожик халқлари дўстлигининг ташаббускори ва меъмори, дея таърифлади. Сўзининг исботи сифатида Шавкат Миромоновични Тожикистон Республикасининг биринчи даражали «Зарринтож» ордени билан мукофотлади.

## АЗАЛИЙ ВА УМРБОҚИЙ ДЎСТЛИГИМИЗ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ЭЪТИБОРИДА

Дарвоқе, бизнинг дўстлигимиз кўп асрлик тарихга эга. Унинг тамал тошини 545 йилча бурун мавлоно Абдураҳмон Жомий ва ҳазрат Алишер Навоий қўйишган. Буюк алломаларимиз асос солган хайрли анъана замонлар оша халқларимиз қардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келди. Бизнинг давримизда бу биродарлик Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода, Ойбек ва Садриддин Айний, Эркин Воҳидову Абдулла Орипов ва Лойиқ Шерали, Мирсаид Миршакар ва Зулфияхоним ижодида ўз ифодасини топди.

Ёки айтайлик, 2017 йилнинг эрта кўкламида кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг марказий истироҳат боғида Абдураҳмон Жомий ва ҳазрат Навоий ҳайкаллари қад ростлаган бўлса, келаси йил эрта кузда Душанбеда Низомиддин Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи чирой очди. Унинг марказига ҳам халқларимиз дўстлигининг рамзи ўлароқ, мутафаккир шоирларимиз ҳайкали ўрнатилди. Бу маънавияти уйғоқ ҳар бир инсон учун унутилмас воқеа бўлди.

Шубҳасиз, икки улуғ зотга бундай юксак эҳтиром ўзбек-тожик халқларининг ҳамдўстлиги ва маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Президентимиз Тожикистонга бу йилги ташрифи давомида худди шуни назарда тутиб, яқин қўшничилик муносабатларини янада яхшилашга қаратилган талай ташаббуслар қатори яна бир ажойиб таклифни ўртага ташлади. Аниқроғи, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг ўзаро самимий муносабатларига бағишланган бадиий фильм яратилишини орзу қилишини, бу тарих мухлислари ва ўсиб келаётган ёш авлод бизнинг азалий дўстлигимиз чуқур илдизга эгалигини билишлари учун жуда муҳимлигини таъкидлади. Ҳозир ана шу эзгу ғоя ижросини таъминлаш бўйича қизғин иш олиб борилмоқда.

## ОЛИСЛАРДАГИ КЎНГИЛГА ЯҚИН ҚИШЛОҚЛАР

Шу йил 9 сентябрда Фориш туманидаги табиати сўлим Ухум қишлоғида уч авлод учрашуви уюштирилди. Унда қатнашган нуронийлар ўзлари ишлаган даврдаги муҳит ва қийинчиликларни ёдга олишди. Сўнгра ёшларни юртимизда эмин-эркин яшаш, ўқиш ва ишлаш учун яратилган имкониятларни қадрлашга ва улардан унумли фойдаланишга чорлашди.

Буни қарангки, худди ўша куни Тошкентда Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг X съезди чақирилди ва унда Шавкат Мирзиёев Президентликка номзод этиб тасдиқланди. Ухумдаги анжуман меҳмонлари бу хушхабарни катта қувонч билан олқишладилар. Чунончи, шу қишлоқда яшовчи тожиклар беҳад мамнун бўлиб, Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Улар қўним топган маскан олисда ва тоғ бағрида жойлашган бўлишига қарамай, «Обод қишлоқ» дастурига киритилган. Шунга мувофиқ, бу ерда бир қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Масалан, барча шарт-шароитларга эга 8 та шахсий меҳмонхона қурилди. Улар ҳар йили 2000 нафарга яқин маҳаллий ва чет эллик сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.

Энг муҳими, Шавкат Миромонович мудом юртимизда яшайдиган барча миллатлар орасида дўстлик ва аҳиллик муҳити барқарор бўлиши, ўзаро муносабатлар янада такомиллашиши учун ҳаракат қилади. Мен бунга у киши Жиззах вилоятига ҳокимлик қилган кезлардаёқ ишонч ҳосил қилганман.

Ўшанда вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлардим. Бир сафар Ҳамроқул Носиров номидаги жамоа хўжалигида катта мажлис бўлди. У тугагач, Шавкат Миромонович менга юзланиб, «Юринг, Ухумдаги янги мактаб қурилиши қандай бораётганини кўриб келамиз. Шу баҳонада боболарингиз яшаб ўтган қишлоқ ҳаёти билан яқиндан танишиб оласиз», деди. Мен жўяли таклифни бажонидил қабул қилдим.

Одамлардан эшитишимча, олдинги вилоят раҳбарларининг бирортаси ҳам бу чекка гўшага қадам ранжида қилмаган экан. Шунданми, Шавкат Мирзиёев келишини эшитиб, қишлоқ оқсоқоллари, фаоллари ва муаллимлари бир даврага жам бўлишибди. Улар бизни хушнуд қаршилашди. Юзма-юз мулоқотлар чоғи нафақат таълимга тааллуқли, балки бошқа соҳалардаги муаммоларини ҳам очиқ-ошкора айтиб, ижобий ҳал қилиб олишди.

Шавкат Миромонович Дўстлик ва Зомин туманларида қирғиз, Мирзачўл туманида қозоқ мактаблари қурилиши учун ҳам астойдил жон куйдирган эди. У киши Президент бўлгач, бундай ғамхўрликлардан юртимизда истиқомат қилувчи барча миллатлар вакиллари бирдек баҳраманд бўла бошладилар.

Сўнгги пайтларда ўзбекистонлик ҳамда чет эллик етук сиёсатчилар, иқтисодчилар, олимлар, журналистлар ва ҳуқуқшунослардан иборат 100 нафар экспертлар гуруҳи Президентимизнинг кенг қамровли ислоҳотлар ўтказишга ва мамлакат ҳаётида катта ўзгаришлар рўй беришига туртки бўлган 15 та тарихий аҳамиятга молик ташаббусини аниқлади. Алалхусус, чегаралар очилганини, Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилганини ва минтақа давлатлари билан барча масалалар бўйича конструктив мулоқотлар йўлга қўйилганини Ўзбекистон раҳбарининг энг муҳим ютуғи деб баҳолади.

Дарҳақиқат, азал-азалдан бир-бирига қардош мамлакатларимиз бугунга келиб, кўплаб масалалар бўйича ҳамкорликда иш юритмоқда. Шу боис жаҳоннинг сиёсат майдонида «Марказий Осиё руҳи» деган ибора пайдо бўлди. Бизнинг Президентимиз ташаббуси билан ҳududдаги давлатлар раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ташкил этилди. Жорий йилнинг 5-6 август кунлари Маслаҳат кенгаши Туркманистонда бўлиб ўтди. Унда минтақа халқлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлиги, эзгу ҳаракатлар уларнинг манфаатлари йўлида амалга оширилаётгани, натижасини оддий одамлар ўз ҳаёти ва тақдирида яққол ҳис этаётгани яна бир бор таъкидланди.

## СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Хабарингиз бор, Шавкат Мирзиёев таклифига кўра, бу йилдан эътиборан 30 июль юртимизда Халқлар дўстлиги куни деб белгиланди ва ўша сана арафасида топшириладиган «Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони таъсис этилди. Икки ойча олдин эса мамлакатимизда илк бор Халқлар дўстлиги куни нишонланди. Шу муносабат билан бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотларига лойиқ кўрилди. Жумладан, мен ҳам «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Президентимизнинг байрам табригида фаол марказлар раҳбарлари ва ёш авлодга ибрат кўрсатаётган таниқли жамоат арбоблари қатори каминанинг исм-шарифи ҳам тилга олингани қувончимга қувонч қўшди.

Мен Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк ишга ҳисса қўшиш учун бор кучим, билимим ва тажрибам билан хизмат қилишга ҳозиру нозирман!

*Яратганга беадад шукурларки, Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунлариданоқ бу муаммоларга алоҳида эътибор бериб, «Биз қўшни мамлакатлар билан рақобат эмас, ҳамкорлик қилишни ва яқин муносабатда бўлишни хоҳлаймиз», деган оқилона сиёсатни илгари сурди. Аввало, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстликни тиклашга киришди. Шу ниятда 2018 йил 9 мартда Душанбе шаҳрига ташриф буюрди.*



## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

*Барча устозларни, шу азиз ном тимсолида ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясидек шарафли ишга бағишлаган жамики юртдошларимизни*

***1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни***

*билан самимий муборакбод этади!*
*Ҳар қайси давлат ва жамиятнинг нафақат бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қиладиган энг муҳим ва устувор масала бўлган таълим-тарбия соҳасидаги олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайди!*
*Ватанимизнинг ҳар бир фарзандини ўз боласидек севиб, ардоқлаб, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда сидқидилдан меҳнат қилаётган барча педагогларнинг шарафли вазифаларига улкан омадлар ёр бўлсин!*
*Байрам барчамизга муборак бўлсин!*

**Зулфия МЎМИНОВА,**
шоира

## Муаллим деганимда...

*Бардошмисиз, сабрми?*
*Ташна дилга абрми?*
*Кечиримли,кабрми?*
*Муаллим деганимда*
*Уммон келар ёдимга.*

*Баҳори кузидан кўп,*
*Ғунчаси ўзидан кўп,*
*Савоби изидан кўп,*
*Муаллим деганимда*
*Бўстон келар ёдимга.*

*Меҳрлар иниб турган,*
*Ирмоқ интилиб турган,*
*Қалдирғоч қўниб турган,*
*Муаллим деганимда*
*Ошён келар ёдимга.*

*Олам унга термулар,*
*Одам унга термулар,*
*У-чи ерга термулар,*
*Муаллим деганимда*
*Осмон келар ёдимга.*

*Сен улуғ миллат деган,*
*Сен қутлуғ элат деган,*
*Тошларни гуллат деган,*
*Авлоний-у Беҳбудий,*
*Чўлпон келар ёдимга.*

*Олтинга ор солмаган,*
*Қўлёзмаси ёнмаган,*
*Ёзганидан тонмаган,*
*Мунаввар Қори,Фитрат,*
*Урфон келар ёдимга.*

*Шогирдсевар Миртемир,*
*Ойбек, Шайхзодадек – дур,*
*Юракдаги Кўҳинур,*
*Муаллим деганимда*
*Достон келар ёдимга.*

*Эй, халқимнинг ҳикмати,*
*Эй, элимнинг қудрати,*
*Навоийдек ҳазрати,*
*Муаллим деганимда*
*Султон келар ёдимга.*

*Кундузи ерда юрган,*
*Тунлар осмонда юрган,*
*Юлдузлар салом берган,*
*Темурийзот Улуғбек*
*Хоқон келар ёдимга.*

*Тириклик нон ташиган,*
*Ҳар кун, ҳар он ташиган,*
*Чумоли дон ташиган,*
*Муаллим деганимда*
*Хирмон келар ёдимга.*

*Номусу шондек азиз,*
*Тоза имондек азиз,*
*Инсонга жондек азиз,*
*Муаллим деганимда*
*Қуръон келар ёдимга.*

*Жонда-ипак ичинда,*
*Дуо тилак ичинда,*
*Ўрни юрак ичинда,*
*Муаллим деганимда,*
*Ватан келар ёдимга.*

Қашқадарё вилояти

Тақдимот




## Зинҳор замонани кам деб айтмасин

**Деҳқонобод туманидаги 4-умумтаълим мактабида шоир Ҳусан Эшмуроднинг «Ҳаётим зарварағи» номли янги китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**

Сўзга чиққанлар китобда шоирнинг орзу-умидлари, армонлари ўрин олган шеърлари жо бўлганига, бу эса ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслигига алоҳида урғу беришди.

– Ҳусан Эшмуродовнинг шеърларида тоғликларга хос мағрур, ориятли инсонлар қиёфаси мужассам, – деди мактаб директори Гулшод Мардонова. – Халқнинг дарду қувончи акс этган сатрларни ўқир экансиз, дилингиз ажиб ҳисларга тўлади. Гарчи бу инсон ҳозир орамизда бўлмаса-да, унинг мағрур сиймоси, оташнафас сатрлари ҳамон қалбимизда, юрагимизда. Айниқса, ҳар бир ўтган кундан шукроналик туйғуси акс этган сатрлари барчага манзур бўлиб, тез-тез дилимиздан тилимизга чиқиб туради. Мана, «Момо шукронаси» номли шеъридаги қуйидаги сатрларга эътибор қилинг-а:

***Бошингда, жон қизим, қуёшли кунлар,***
***Чангга, гардга ботган йиллар қайтмасин.***
***Зулмат не билмаган кўкси бутунлар,***
***Зинҳор замонани кам деб айтмасин.***

Тадбирда шоирнинг ҳаёт йўли яна бир бор ёд этилди. Турфа гиёҳларга макон, одамлари ориятли тоғли юртда туғилганини, шу юрт, шу одамлар қўлига қалам тутқазганини, умуман, баланд-баланд тоғлар қуршовидаги заминда улғайганини ифтихор билан ёзгани алоҳида таъкидланди. Ўқувчилар шоирнинг шеърларини ёддан ўқишди.

**Асқар ЭШМУРОДОВ,**
Деҳқонобод туманидаги 4-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси

XalqBanki

*Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси азизу мўътабар, фидойи ва жонкуяр устозларимизни қутлуғ сана –*

***Ўқитувчи ва мураббийлар куни***

*билан муборакбод этади. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.*

***Доимо соғ-омон бўлинг, азиз устозлар!***

**Фурсатдан фойдаланиб, Халқ банки азиз юртдошларимизга**

**«Яхши имконият»**

**ютуқли омонатини тақдим этади.**

*«Яхши имконият» омонати ёрдамида сиз нафақат фоизлардан фойда оласиз, балки пул мукофотлари, шунингдек, асосий соврин – **«NEXIA-3» автомобилини** ютиб олишингиз мумкин. Иштирок этиш учун банкимизнинг исталган филиалига келиб, «Яхши имконият» омонатини расмийлаштиришингиз лозим. Совринлар 2022 йил 20 январь куни лототрон орқали ўйналади.*

**Омонат шартлари:**
муддати – **9 ой;**
бошланғич бадал – **2 000 000 сўм;**
фоизи – **йиллик 17%;**
*қўшимча маблағ кирим қилиш мумкин.*

Акцияда энг камида 3 ой сақланган ва амалда бўлган омонатлар иштирок этади.

Акция 2021 йил 6 октябрга қадар давом этади.

**Эслатиб ўтамиз, сизнинг сармоянгиз Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуни билан кафолатланган.**

Эълонлар

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

### 2022 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига

**12.00.10 – «Халқаро ҳуқуқ»** ихтисослиги бўйича таянч докторантура (Phd) ва докторантура (DSc)га

**12.00.13 – Инсон ҳуқуқлари**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.** Ҳуқуқий таълимотлар тарихи ихтисосликлари бўйича таянч докторантура (Phd)га **танлов асосида қабул эълон қилади**

**ТАЛАБГОРЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЛОЗИМ:**

***Таянч докторантурага:***
*– ариза;*
*– қисқача биографик маълумотнома;*
*– меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);*
*– олий таълим муассасаси магистратураси дипломи нусхаси;*
*– нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.*
*– Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхаси.*

***Докторантурага:***
*– ариза;*
*– қисқача биографик маълумотнома;*
*– меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);*
*– олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;*
*– тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;*
*– нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.*

**Ҳужжатлар http://phd.mininnovation.uz веб – саҳифаси орқали жорий йил 15 сентябрдан 15 октябргача онлайн қабул қилинади.**

**Манзил:** Тошкент шаҳри, 100029, Ислом Каримов кўчаси, 15-уй

**Мурожаат учун телефон:** 71-239-48-06

**Электрон манзил:** kengash@nhrc.uz

## «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Қува МАШТЕХ Сервис» МЧЖнинг 24.09.2021 йил кунги №01/78-сонли буюртма хатига асосан Фарғона вилояти, Қува тумани, «Байналмилалчи» МФЙ, Қўшкечик қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 225,00 кв.м., кадастр ҳужжати бўйича: 0024-тўсиқ девор (7 метр), 0026-дарвоза, 0029-ҚТМ бир қисмидан иборат бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 12 230 392 сўм.

**Аукцион савдолари 2021 йил 2 ноябрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**

Аукционда қатнашиш учун буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

**Буюртмалар қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 29 октябрь соат 16:00 гача.

**Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:**

**– юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

**– жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг қуйидаги ҳисобрақамига закалат келишув шартномасига асосан ўтказишлари шарт. ҳ/р: 2020 8000 3004 3360 1012, МФО: 01123, «Трастбанк» ХАТБ Фарғона филиали, СТИР: 303179580.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган ва савдо ўтказиладиган манзил:** Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 6-хона. **Тел.:** (99895)402-54-75. **Электрон манзил:** www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

**Лицензия RR-0225.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2009 йилда Сақиев Қобилжон Босимович номига берилган MN№ 039663-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги 89-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2002 йилда Шулятников Артём ҳ номига берилган O'R-B № 0105876-рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги С.Х. Сирожиддинов номли академик лицей томонидан 2016 йилда Муйсинов Шохруҳ Дилшод ўғли номига берилган L № 283753 (рўйхат рақами 54) рақамли диплом ва иловаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Журналнинг янги сони




# ДАВР РУҲИ АКС ЭТГАН НАШР

**«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг бу йилги учинчи сони мамлакатимизда 24 октябрда бўлиб ўтадиган Президент сайловига бағишланди.**

Нашрда Ўзбекистон Республикаси Сайлов комиссиясининг раиси З.Низомхўжаевнинг «Президент сайлови: демократикислоҳотларнинг мантиқий давоми» мақоласи эълон қилинган. Унда 2016 йил 4 декабрдаги Президент сайловидан кейин мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, халқаро сайлов стандартларига тўла жавоб берадиган янги Сайлов кодекси қабул қилингани, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари ва самарали механизмлари тўла шакллантирилгани, бу галги Президент сайлови очиқ ва ошкора, демократик тарзда кўп сонли халқаро ташкилотлар ва хорижий кузатувчилар миссиялари иштирокида ўтказилиши батафсил баён этилган.

Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари – А.Ҳаитов (ЎзЛиДеП), А.Қодиров («Миллий тикланиш»), Б.Абдуҳалимов («Адолат»), Н.Обломуродов (Экология), У.Ҳидоятов (ХДП) журналхонларни ўз номзодларининг сайлов дастурлари билан таништирганлар.

Муштарийлар инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори, академик А.Саидовнинг Янги Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тараққиётининг асосий босқичлари, фалсафа фанлари доктори, профессор И.Саифназаровнинг Президент сайловини қонунчилик, шаффофлик ва ошкоралик асосида ўтказиш, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Ғулом Мирзонинг сўз эркинлиги ва сайлов ҳуқуқининг халқаро ўлчамларга мутаносиблиги ҳақидаги мақолалари билан танишишлари мумкин.

Журнал саҳифаларидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича ўринбосари С.Мамаюсуповнинг ўзи оталиққа олган «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига кўрсатилаётган ҳар томонлама ёрдам ҳақидаги чиқиши ҳам ўрин олган.

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари»нинг ушбу сонида, шунингдек, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати, Орол денгизининг халқаро ҳуқуқий мақоми, коррупцияга қарши кураш, «ҳалоллик вакцинаси» ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим воситаси эканлиги, ҳомийлик ва меценатликнинг ривожланиши, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда китобхонликнинг роли ва бошқа мавзуларга бағишланган илмий мақолалар эълон қилинган.

**Э.ЭРНАЗАРОВ**




Мушоҳада

**Интернет тармоғида ёзилишича, Хитойда бир ота-она уч ёшли фарзандининг соғлом кўзлари кутилмаганда ғилайлашиб қолганини кўриб, шифокорга олиб борибди. Текширув ва суриштирувлардан маълум бўлишича, бола хархаша қилмай тинч ўтириши учун онаси унга доим телефон тутқазиб қўяр экан. Ярим йилдан кўпроқ вақт мобайнида ҳар куни бир неча соатлаб телефоннинг митти экранига тикилиб, ўйин ўйнаши оқибатида кичкинтойнинг соғлом кўзлари шу ҳолга келиб қолган экан.**

# БОЛА ТУШУНМАЙДИ, КАТТАЛАР-ЧИ?



Хабарни ўқигач, тасаввуримдан митти бармоқчалари билан телефонга муккасидан кетиб ғайритабиий ўйинлар оламига шўнғиган болалар ўта бошлади. Беихтиёр хаёлимдан телефонга «тутқунлик» касри жисму руҳи, ақлу тафаккурида асоратлар қолдирганларнинг сон-саноғи бормикин, деган савол ўтди. Бунинг ҳисобига етиб бўлмайди, чунки сафлар борган сайин кенгайиб, «ёшариб» бормоқда.

«Боламнинг иштаҳаси йўқ, овқатни яхши емайди», «Кечаси ухлаши қийин», «Кўп шамоллайди, томоғи оғрийверади», «Ўқиш, ёзиш, чизишга қизиқмайди...» – ёш ота-оналарни ўйлантираётган бу каби муаммолар кўп.

Эътибор билан кузатсангиз, ҳатто йўл транспортида ҳам айрим аёллар ё ўзи телефон билан андармон, ёки боласининг қўлига телефон тутқазиб қўйган бўлади. Улар шу ҳолатида атрофдаги ҳаёт манзаралари, гўзал табиат бағридан кўзига, қалбига парда тортиб ўтиб бораётганга ўхшайди.

**ИБРАТЛИ ҲИКОЯДА АЙТИЛИШИЧА, БЕКОРЧИЛИКДАН ЗЕРИККАН БОЛАГА ШЎРВА БЕМАЗА ТУЮЛИБ, НАРИ СУРИБ ҚЎЙИБДИ. ШУНДАН СЎНГ МУЛОҲАЗАКОР ОНА ФАРЗАНДИНИ ҲОВЛИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА МАЖБУР ҚИЛИБДИ. КУН БЎЙИ ИШЛАБ ҲОРИГАН, ОЧИҚҚАН ЎҒИЛ ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН ЎША ОВҚАТНИ ТОТИБ КЎРИБ, «ОНАЖОН, МУНЧА ШИРИН ШЎРВА ПИШИРИБСИЗ», ДЕГАН ЭКАН.**

Ибратли ҳикояда айтилишича, бекорчиликдан зериккан болага шўрва бемаза туюлиб, нари суриб қўйибди. Шундан сўнг мулоҳазакор она фарзандини ҳовлидаги ишларни бажаришга мажбур қилибди. Кун бўйи ишлаб ҳориган, очиққан ўғил олдига қўйилган ўша овқатни тотиб кўриб, «Онажон, жуда ҳам ширин шўрва пиширибсиз», деган экан.

Энди тасаввур қилайлик: бола табиат бағрида чопиб-яйраб жисмоний машғулотлар билан банд бўлмаса, иштаҳаси очиладими? Танаси иссиқда тобланиб, совуқда чиниқмаса, ўпкасини тўлдириб-тўлдириб тоза ҳаводан нафас олмаса, ёшига муносиб иш-машғулотлар билан жисми чайирлашмаса, соғлом-бақувват бўладими? Атрофидаги ҳайвоноту набботот билан юзма-юз келиб уларга меҳр қўймаса, табиат воқеа-ҳодисалари ичида юрмаса, уларнинг сирларини билишга – билим олишга қизиқиши кучли бўлиши мумкинми?

Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Интернетдаги ўйинлар тинмай кўпайиб, янгиланиб бормоқда, айрим болалар телефонга шунчалар боғланиб қолганки, қўлига бу матоҳни олгани ҳамон атрофидагилар унга қанча эътиборсиз бўлса, шунча хурсанд. Бола – ўз номи билан бола, сабабнинг оқибатлари ҳақида ўйламайди ҳам. Аммо биз, дилбандини ўйинлар билан алдаб, уларнинг вақти, иқтидори пуч ёнғоққа айланишига сабабчи-ю томошабин бўлиб турсак... ўғил-қизлар қалбига сўзимиз, меҳримиз, ибратли ишларимиз билан сингдиришимиз керак бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини, фазилатларни, хайрли амалларга рағбатни ким жойлайди? Дилбандимиз қалбида бугун оилада, тенгдошлари даврасида ҳар бир воқеа-ҳодисага ҳушёрлик, жонкуярлик, дахлдорлик туйғуси уйғонмаса, чиройли муносабат-муомалани ўрганмаса, келажакда атрофидаги турфа табиатли одамлар – жамият аъзолари билан қандай тил топишади?

**Муҳтарама УЛУҒОВА**

Эълон

## «SURXONDARYO MULK SAVDO» МЧЖ ОЧИҚ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

1. Сурхондарё вилояти «Жайронхона» тиббий реабилитация ва физиотерапия давлат муассасаси томонидан савдога чиқарилган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Дамас» русумли, 75159JAA давлат белгили, носоз автомашина, бошланғич баҳоси – 6200000 сўм.
2. Сурхондарё вилояти «Жайронхона» тиббий реабилитация ва физиотерапия давлат муассасаси томонидан савдога чиқарилган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, Т-28х4МС1 русумли, 44-27ЩЕ давлат белгили носоз трактор, бошланғич баҳоси – 1700000 сўм.

Аукцион савдоси Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй манзилида 2021 йилнинг 15, 16, 17 октябрь кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар «Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ билан закалат шартномасини расмийлаштириб, унинг ҳисобрақамига (банк: ЧЭКИ «Ҳамкорбанк», ҳ/р: 20208000400868025001, МФО: 01001, СТИР: 305471954) сотилаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил:** Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй. **Тел.:** (76) 224-36-76.

**Хизматлар лицензияланган.**

# ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

*Таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган педагог ходимларни – барчамизга илм ўргатган, ҳаёт сабоғини берган жонкуяр, фидойи ўқитувчи ва домлаларимизни қутлуғ сана –*

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

*билан самимий табриклайди.*

*Қўлимизни кўксимизга қўйган ҳолда ҳақли равишда фахрланишимиз мумкинки, таълим-тарбия соҳасида, азиз ўқитувчи ва мураббийлар, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда. Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессансга мустаҳкам пойдевор қўйишда ўзининг шон-шарафга йўғрилган тинимсиз меҳнати билан иштирок этаётган соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва имкониятлар яратишда улкан ишлар амалга оширилмоқда.*

*Абдулла ОРИПОВ,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

### МУАЛЛИМ

*Муаллим ҳақида сўзим шубудир:*
*Муаллим камолот ичра кўзгудир.*

*Ўқидим Геродот, тарихни кўп бор,*
*Форобий, Дантени такрор ва такрор.*

*Барини ўқидим, лол қолди ақлим,*
*Барига устозсан ўзинг, муаллим.*

*Алишер қалбига солган сеҳр-файз*
*Сенсан, эй муаллим, устоз Абул-Лайс.*

*Қутлуғ хонадонда қутлуғ калом бу,*
*Ҳамид Олимжон бу, Ғафур Ғулом бу.*

*Буюк Темур сендан топгандир таълим,*
*Сен шундоқ азиз зот, азиз муаллим.*

*Рост айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,*
*Сен ҳаёт ганжида дурри бебаҳо.*

*Улуғ айёмингда шеърий калом бу,*
*Шогирдлар номидан қутлуғ салом бу.*










*Қалб қўри, кўз нури, билим ва тафаккурини,*
*умуман олганда, бутун борлиғини ёш авлод*
*тарбиясига бахш этиш ҳадисини олган*
*ўқитувчи ва мураббийлар*
*азму-шижоати ҳар қандай юксак баҳоларга,*
*эътирофларга муносибдир.*
*Азиз соҳа жонкуярлари!*
*Бугунги қутлуғ кунларда барчангизга*
*сиҳат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли*
*фаолиятингизда катта муваффақиятлар,*
*хонадонларингизга файзу барака тилаймиз!*
*Умрингиз узоқ, қалбингиз мудом*
*шукуҳга тўла бўлсин!*
*Шогирдлар камолини кўриш, улар билан*
*фахрланиб юришдек эзгу орзуларингиз*
*ҳамиша-ҳамрўз амалга ошаверсин!*




## Байрамингиз қутлуғ бўлсин!
## Сизга таъзим, Сизга тасанно!

*Биз шу вақтгача тарихнинг ўзимизга ёққан жойларини олиб, ёқмаган томонини яшириб ўтдик. Бировга ёқадими-ёқмайдими, ғуруримизми-армонимизми, муваффақиятми ё хиёнатми – ҳаммасини ҳаққоний ёзиш керак.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Шахсий фикр



# Муҳаммад Шайбонийхон ДАВРНИ ЎЗГАРТИРГАН СИЁСИЙ ЛИДЕР ЭДИ(МИ?)

**Бахтиёр АЛИМЖАНОВ,**
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти

**Муаллиф ҳақида:**



**Бахтиёр Абдуҳакимович Алимжанов** *1985 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 2008 йилда Ўзбекистон Миллий университети бакалавриати, 2010 йилда магистратурасини битирган. 2014-2017 йилда Санкт-Петербург давлат университети аспирантурасида таҳсил олган. 2017 йилдан тарих фанлари номзоди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти (DSc).*

*3 та монография, 1 та китоб ва 65 та илмий мақола муаллифи. Илмий ишлари АҚШ, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Германияда чоп этилган. 50 га яқин конференция, конгресс ва илмий анжуманда маърузалари билан иштирок этган.*

Марказий Осиё ўтмиши тўлиқ хулоса қилинмаган тарихдир. Чунки Туркистон мозийига турли ракурсдан қарашнинг ўзи ҳали шаклланмаган. Манбалар тўлиғича нашр этилиб, баҳо ҳам берилмаган. Қолаверса, ушбу соҳа бир фан сифатида ҳали совет тарихшунослиги «таъсири»дан тўла чиқиб кета олган, деб ҳам бўлмайди. Менимча, бугунги кун замонавий муаррихининг вазифаси ана шу хилма-хилликни кўрсатишдан иборат.

Тарих ўтмиш хатоларини қидиришдан иборат эмас, у ҳозирги муаммоларини тарих призмасидан ўтказиб ечим топишни ҳам англатади. Бу фан аслида сиёсатчилар, политологлар, социологлар, маданиятшунослар, педагоглар, сиёсий партиялар учун дастурларини амалга оширишдаги энг зарур унсур вазифасини ўташи керак. Негаки, тарих фақатгина тарих учун, академик фан эмас, балки амалиётда қўллаб бўладиган илм соҳасидир. У жамиятда фикрнинг йўналишини белгилашда катта роль ўйнаши мумкинлигини кўплаб илмий мисоллар ёрдамида исботлаш мумкин. Бизда ҳам тарих фани энди-энди амалий муаммолар ечимига хизмат қиладиган фан сифатида шаклллaняпти.

Шу маънода гапирганда, бизнинг ҳудудда (жамиятларда) тарихни холис ўрганиш ва авлодларга аждодлар ҳаётини, минтақамизда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларни аслича ўргатиш борасида талайгина муаммолар ечимини кутиб турибди. Бугунги глобаллашган дунё жамиятлари анчайин космополитизмга берилгандек таассурот уйғотса-да, тарих, хусусан, идентитет-ўзликни англаш факторига риторикасини тўлиқ ўзгартирган, деб қараш нотўғри бўлади, менимча.

Негаки, миллий, мустаҳкам жамиятларнинг шаклланишида айнан тарих, ўтмиш хулосалари ва унинг илҳомлантирувчи руҳияти муҳим асос бўла олишини бугунги кунда ҳам ҳеч ким инкор этаётгани йўқ. Масалага зикр этилаётган нуқтаи назардан қараш, миллий давлат барпо этиш ва Марказий Осиё тушунчасининг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлишини таъминлашга ҳаракат қилаётган тарихан бир хил ўтмиш ва қадриятларга, тил ва маданиятга эга, бугун беш мустақил давлатга эга бўлган минтақа халқлари ва жамиятлари учун жуда муҳим.

Зотан, бугун интеграция сари қадам қўяётган «ягона тарих ва умумий келажак» ғояси устида бош қотираётган қўшнилар муродининг ҳосил бўлишида тарих фани ва унга янгича қарашни шакллантириш муҳим омил саналади. Тарих ана шу умумий ўзлик масаласини ҳал қилишда муҳим восита ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг барча тарихий «қатламлари» қатори XVI-XIX асрлар тарихи хийла бир томонлама ўрганилган. Гўёки бу даврнинг асосий белгилари сиёсий тушкунлик ва иқтисодий инқироз бўлган.

Мен ушбу мақолада айни ўша давр янги сиёсий фалсафасининг асосчиси ҳақида фикр юритмоқчиман.

Жаҳон тарихшунослигида йирик давлат арбоблари ҳаёти ҳамда фаолиятини ўрганиш ва тадқиқ қилиш охирги икки юз йилда урф бўлган. Махсус тарихий методлар ишлаб чиқилган. Тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоблар катта ададларда чоп этила бошланган. Мисол учун, «Жаҳоннинг юз буюк инсони» серияси ёки совет давридан то ҳозиргача чиқаётган «Ажойиб инсонлар ҳаёти» муштарийларнинг тарихдан хабардорлигини ошириб боради. Бироқ ушбу тамойилларни бизнинг муаррихларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Нимагадир бизда тарихий шахсларнинг ҳозирги замонда тутган ўрни ҳақида кам ёзишади, кам тадқиқ қилишади.

Масалан, биз юқорида ишора қилган, миллий давлатчилик тарихида муҳим бурилиш ясаган саркарда ва давлат арбоби Муҳаммад Шайбонийхон тарих соясида қолиб кетган. Унинг фаолиятига (1451-1510 йй.) илмий, тарихий-сиёсий нуқтаи назардан баҳо берилмаган.

Шу маънода Шайбонийхон ҳамон тарихий мавҳум шахслигича қолмоқда. Бундан ҳам баттари унинг шахсияти ва фаолияти тарихшунослигимизда ва тарихий онгимизда зиддиятларга қориштириб ташланган.

Хўш, минтақамиз тарихи уммонида бир кўриниб, бир ботиб сузиб юрган, ушбу шахснинг тарихимизда тутган ўрни қандай?

Албатта, кичик бир мақолада Шайбонийхондек йирик шахсият ҳақида узил-кесил фикр айтиш ва хулоса ясаш қийин масала. Шу боис, биз унинг ҳаёти ва сиёсий фаолияти, минтақа ижтимоий-маданий ва жўғросиёсий «иқлими»га таъсири ҳақидаги қисқа мулоҳазаларимизни баён қилишни лозим топдик.

XVI аср бошида Евроосиёда йирик сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Шимолий Евро-




осиёда Олтин Ўрда давлати заифлашган, Москва князлиги кучаяётган эди. Жануби-ғарбда кучли Сафавийлар давлати вужудга келган, Шарқда эса Хитой марказлашган эди. Мавжуд манзара темурийлар салтанати танг аҳволга тушганини англатар ва бу ўзига хос «хаос» яратган эди. Шунингдек, минтақада янгича фикрловчи ва янгича ташқи сиёсат юритувчи саркарда, олим ва давлат арбобига зарурат етилганини билдирарди.

Ана шу вазиятда Муҳаммад Шайбонийхон тарих саҳнасига чиқди. У ҳақли равишда XVI аср бошида Евроосиёда геосиёсий вазиятни ўзгартирган ва Марказий Осиё шаклланишига таъсир ўтказган шахс ҳисобланади. У олиб борган ташқи сиёсат Марказий Осиёни мустақил бир ҳудудга айлантирди. Минтақа хавфсизлиги таъминланди, ҳудуд муҳим савдо-сотиқ ва маданий алмашинув кўпригига айланди.

Бу даврга келиб, салтанат халқаро урушларда қатнашмас, ҳар бир йирик давлат билан ўзаро манфаатли муносабатлар олиб боришга ҳаракат қилар эди. Моҳиятан Шайбонийхон яратган сиёсий модель то XIX асрнинг ўрталаригача халқаро муносабатларда амалиётга татбиқ этилди.

Марказий Осиё ҳукмдорлари XVI-XIX асрларда Эрон, Хитой, Ҳиндистон ва Россия билан фаол дипломатик музокаралар ва савдо-сотиқ олиб борар, ана шу буюк давлатлар билан рақобатлашар ҳамда ўз ҳудудини улардан ва бошқа ташқи кучлардан муносиб ҳимоя эта оларди.

Тарихимизда айнан Муҳаммад Шайбонийхон саъй-ҳаракатлари билан яратилган сиёсий тизим 400 йил давомида самара берган ва тарихда мустақил Марказий Осиё хонликлари даври (XVI-XIX асрлар) сифатида из қолдирган.

Ушбу яратилган геосиёсий тизимни биз Европада диний урушлардан сўнг 1648 йилда вужудга келган Вестфалия тизими билан қиёсласак бўлади. Зотан, 1510 йилда вужудга келган мазкур геосиёсий тизим Эронни, Хитойни ва Россияни Марказий Осиё хонликлари билан ҳисоблашишга мажбур қилди. Вестфалия сулҳи ҳам ўз замонида Ғарбий Европада тинчлик ўрнатилишига сабабчи бўлган эди. У XIX аср бошигача кучда бўлди.

Юқорида айтганимиздай, яратилган геосиёсий вазият нафақат Марказий Осиёда тинчлик ўрнатди, балки савдо-сотиқ ва фан ривожланишига ҳам туртки берди. Бу тизимга дахл қилиш ҳеч бир йирик давлат учун манфаатли эмас эди. Чунки унинг сиёсий фалсафасини бузғунчи ғоялар эмас, балки ягона Марказий Осиё давлатини яратиш ва шу орқали қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамда мўътадил муносабатлар юритиш ташкил этарди.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг сиёсий мафкураси ҳам Вестфалия сулҳи шартларига моҳиятан анча ўхшаш. Яъни бағрикенглик, фаол иқтисодий сиёсат, давлат суверенитети ва миллий давлатчиликни қуриш ва юксалтиришдан иборат эди.

Бевосита ушбу сиёсий принциплар асосида Марказий Осиёда ўзбек хонликлари билан бир қаторда, қозоқ, қирғиз хонликлари шаклланди ва ривож топди. Биз бемалол таъкидлашимиз мумкинки, ўз даврининг етук ислоҳотчиси ва сиёсий арбоби бўлган аждодимизнинг сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракати билан империя тизимидан Янги даврга, яъни миллий давлат сари қадам қўйдик. Муҳаммад Шайбонийхон яратган ўзига хос концепция ва жўғросиёсий муҳит негизида минтақада миллий давлатчилик вужудга келди. Ғарбий Европада феодализмдан Янги даврга ўтиш абсолют монархия шаклида бўлган бўлса, Марказий Осиёда бу «сакраш» юмшоқ федерал давлатчилик шаклида кечди.

Афсуски, муаррихлар, айниқса, совет тарихшунослиги ва бизнинг бугунги айрим тарихчиларимиз ҳам бу даврни (XVI-XIX асрларни) «сиёсий тарқоқлик», «қолоқлик», «иқтисодий тушкунлик» ва «марказлашмаган давлатлар» руҳида талқин қилишади. Яъни бизнинг муарррихлар Вестфалия тизимини Марказий Осиё тарихига қўлламоқчи эмас!

Биз бир тарихий ҳақиқатни ёдда тутишимиз даркор: Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг ажралмас қисмидир. Агар биз фақатгина тарихимизнинг «уникал»лигини таъкидласак, ҳеч бир шахсга ёки воқеага тўғри баҳо беролмаймиз. Айнан Муҳаммад Шайбонийхон геосиёсий модели ана шу ҳақиқатни унутмасликка ундайди.

Совет давридаги ва ҳозирги тарихчиларимиз фикрича, тарихимизнинг XVI-XIX асрлари «сўнгги феодализм даври» деб талқин қилинади. Лекин Шайбонийхон сиёсати ва темурийлар империяси парчаланиши, бизни Янги даврга шиддат билан олиб кирди. Биз бемалол таъкидлашимиз мумкинки, Марказий Осиё ҳам Европа сингари Янги даврга XVI-XVII асрларда ўтди. Ва бу тарихий транзитда Шайбонийлар роли улкандир. Демак, жаҳон тарихи жараёнларида Марказий Осиё XVI асрда етакчилик қилган. Ғарбий Европанинг Янги даврга ўтиши сиёсий инқироз билан боғлиқ эди. Бу инқироз 150 йил давом этди. Марказий Осиёда эса сиёсий инқироз 10-12 йил ичида енгиб ўтилди. Кам қон тўкилди.

XVI-XVII асрлар Ғарбий Европа ва Марказий Осиё тарихини солиштирсак, ўхшаш томонлари жуда кўп. Фақатгина Марказий Осиё бу инқироздан тезроқ ўтди. Яъни Янги давр Марказий Осиёда ҳам, жаҳонда ҳам, бир хил кечган. Ва шунинг учун ҳам, компаратив (солиштирма) тарих йўналишини ривожлантириш зарур. Компаратив тарихдан фойдаланмаслик ва воқеаларга жаҳон тарихи контекстида ёндашмаслик, албатта, катта хато ва масалага ноилмий ёндашувдир.

Каспийдан то Тянь-Шангача, Жанубий Сибирдан то Қандаҳоргача чўзилган ҳудудда ягона кучли давлат қуриб бўлмас эди. Шайбонийхон сиёсий вазиятни англагани учун бу ғоядан воз кечган, унинг етилиб келаётган геосиёсий вазиятга мос келмаслигини олдиндан кўра олган. У қўшни давлатлар билан доимий уруш ҳолатида туришдан кўра, Марказий Осиёни ташқи ёвлардан ҳимоя қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш, савдо-сотиқ, илм-фан ва маданиятни юксалтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Тарихий манбалардан шу нарса аниқки, Олтин Ўрданинг парчаланиши Шайбонийхоннинг сиёсий онгига кучли таъсир қилган. Бу унга йирик империялар даври ўтиб кетганини, энди миллий давлатлар жаҳон саҳнасида муқим ўрин эгаллашини англатар эди. Шарқда Хитой, Ғарбда Россия ва жанубда Эронда йирик ислоҳотлар кетаётган бир даврда у янги сиёсий мафкура ва янгича қараш тарафдорларини атрофига йиғиб, Марказий Осиёни ислоҳ қилишга киришди.

Муҳаммад Шайбонийхон феномени ҳам айнан шундадир. Унинг учун жуда тез ўзгараётган дунёда ягона ечим – миллий давлат қуришдан иборат эди.

Манбалардан маълумки, Шайбонийхон сиёсий ва ҳарбий фаолияти давомида қон тўкилишидан қочган, муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга интилган. Тарихий манбаларда Шайбонийхон хунрезликлар қилгани ҳақида маълумотлар йўқ. Ҳатто у ўз рақиби Бобурнинг опаси Хонзодабегимга уйланади. Бобур сиёсий рақиби Шайбонийхон ҳақида шундай ёзади: «Менинг ғанимим Шайбоқхон тажрибали, кўп иш кўрган ва улуғ ёшли киши эди».

Дарҳақиқат, у зукко, мадраса кўрган, ақли расо инсон бўлган. Биз уни муболағасиз Янги давр ҳукмдори десак, адашмаган бўламиз. Янги давр ҳукмдори учун, Н.Макиавелли таъбирига кўра, давлат манфаати ҳамма нарсадан устундир. Шу маънода Муҳаммад Шайбонийхон ҳам шон-шараф орттириш учун эмас, балки янги типдаги давлат қуриш учун саъй-ҳаракат қилган.

Унинг ишларини Абдуллахон II давом эттирди. Шайбонийхон сиёсий фалсафаси Аштархонийлар ҳамда Қўқон, Бухоро, Хоразмда шаклланган давлатчилик ишларида қўлланилди. Бу сиёсий фалсафанинг асоси иқтисодиётни устун қўйиш ва халқаро урушларга аралашмаслик, илм-фанни ривожлантиришдан иборат эди.

Албатта, бу сиёсий фалсафани барча даврлар ва замонлар учун ҳам сермаҳсул, деб бўлмасди. Айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги вазият янги сиёсий фалсафага ўтиш зарурлигини тақозо этди. Лекин XIX асрда Шайбонийхондек сиёсий лидер топилмади. Аксинча, амир Насруллахон Шайбонийхоннинг фалсафасига зид иш тутди...

Гарчи қайтариқ бўлса-да, яна бир бор айтиб ўтиш зарурки, Шайбонийхоннинг сиёсий қарашлари ва фалсафаси 400 йил давомида Марказий Осиёда хавфсизлик гарови бўлди ва иқтисодиёт, маданият, илм-фан ривожида катта роль ўйнади. Бироқ, таассуфки, унинг сиёсий фалсафаси ва сиймоси ҳозирги кунда Марказий Осиё давлатларида жуда суст ўрганилмоқда.

Аслида шу йил Муҳаммад Шайбонийхон таваллудининг 570 йиллиги минтақамизда кенг нишонланиб, сана муносабати билан унга ҳайкал ўрнатилса, номи абадийлаштирилса ва халқаро конференциялар ўтказилиб, у ҳақда илмий ва илмий-оммабоп китоблар ёзиш рағбатлантирилса, нур устига нур бўларди.

Зеро, Муҳаммад Шайбонийхоннинг ғоялари бугунги Янги Ўзбекистон тутган йўлга ҳам ҳамоҳангдир: бу ғоялар буюк давлатлар билан тенг манфаатли ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётни устун қўйиш ва тинчликни таъминлаш ва илм-фан ривожига устувор аҳамият қаратишдек эзгуликка йўғрилган эди.

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Албатта, мақоладаги мулоҳазалар муаллифнинг шахсий фикрлари. Муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, Шайбонийхон шахсияти ва фаолияти зиддиятларга тўла. Боз устига, бу тарих тўлиқ ўрганилмаган, тўлиқ очиб берилмаган. Шу боис таҳририят мавзу юзасидан бошқа тарихчиларнинг фикрлари, соҳага қизиққан кишиларнинг мушоҳадаларига ҳам минбар беришга тайёр!***

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳриддин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: А. Ҳайдаров

Мусаҳҳиҳ: Д. Худойберганова

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 01:15
Топширилди – 01:30

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 4 босма табоқ.
Буюртма Г – 906.
27567 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130